

**В. ИРВИНГ ИЖОДИДА “АЛ-ҲАМРО” РОМАНИДАГИ АРАБЧА
СЎЗЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ**

Расулова Сохиба Улуғбековна

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Инглиз тили ва адабиёти кафедраси

ўқитувчиси

e-mail: rasulovasokhiba@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақоламизнинг аҳамиятлиси шундаки, адабий таржиманинг енг долзарб муаммоларидан бири – чет тили бадий таржимасига бағишланган. Мақолада В. Ирвингнинг "Ал-ҳамро" романидаги Арабча лугатнинг асосий турлари ва уларнинг тиллараро узатилиши муаммоси кўриб чиқилди. Бевосита ва билвосита таржимадаги сўзлар бир биридан ажралиб туради. Тадқиқот жараёнида Араб тилидан кириб келган сўз бирикмаларининг таҳлили, сўнгра уни узатиш йўллариининг таснифи амалга оширилди. Мақолада Вашингтон Ирвинг асарининг асл нусхаси ва уларни А. Собри томонидан франсуз тилига ва рус тилига В. Муравёв томонидан қилинган таржималари манба сифатида танлаб олинди ва ўрганилди.

Калит сўзлар: бадий матн, ислом дини, чет тиллардан кириб келган сўзлар, арабча сўзлар, таржима

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена одной из наиболее актуальных проблем художественного перевода – передаче иноязычных вкраплений. В работе исследуются основные типы арабской лексики в романе В. Ирвинга «Альгамбра» и проблема их межъязыковой передачи. Выделяются оригинальные, трансформируемые и неоригинальные заимствования. В ходе работы был проведён анализ выявленной лексики, пришедшей из арабского языка, с последующей классификацией способов её передачи. Материалом исследования служат оригинал и переводы произведения на французский А. Собри и русский В. Муравьёв языки.

Ключевые слова: иноязычные вкрапления, ислам, художественный текст, арабизмы, вкрапления, экзотизмы.

ABSTRACT

The article is devoted to one of the most urgent problems of literary translation the translation of foreign language inclusions. The paper examines the main types of

Arabic vocabulary in W. Irving's novel "Alhambra" and the problem of their interlanguage transmission. Furthermore, transformable and non-original borrowings are distinguished. In the research of the work is analyzed the identified vocabulary that came from the Arabic language was carried out, followed by a classification of the ways of its transmission. The research material includes the original work and translations of the work into French by A. Sobri and Russian languages by writer V. Muravyov.

Keywords: *foreign language inclusions, Islam, artistic text, arabisms, inclusions, exoticism.*

КИРИШ

Ҳар қандай тилнинг ривожланиши жараёнида ўзга тилларга мансуб сўзлар ўзлаштирилади. Ўзлашма сўзлар тилнинг тарихий функционал фаолиятининг ажралмас қисмидир ҳамда сўз бойлигини оширишнинг асосий манбаларидан биридир. Ўзлашма сўз деб ўзга тил элементининг, яъни сўзнинг бошқа бир тилга сингиши назарда тутилади ва бу тушунча XIX асрдаёқ пайдо бўлган. Тадқиқотчилар ўзлашма сўзларни турлича синфлаштирадilar. Масалан, Я.К. Грот «Спорные вопросы русского правописания» асарида ўзлашма сўзларни тилда пайдо бўлиш вақтига қараб икки турга бўлади: ўзлаштирилган, ёки руслашган сўзлар, ва ўзга тилга мансуб сўзлар [5, 784-749].

Л.П. Крысин ўзга тиллардан ўзлаштирилган барча сўзларни хорижий сўзлар, яъни ўзга тилга мансуб сўзлар деб атади [8, с. 177].

А.И. Смирницкий ўз асарларида «ўзлашма сўзлар ўзи мансуб бўлган тил тизимидан чиқиб бошқа тил тизимига қўшилади ва шу тил нормаларига мувофиқ фаолият юритади» дея таъкидлайди [11, 234-235].

Айрим тилшунослар ўзлашма сўзларнинг бошқа бир турларига эътибор қаратадилар. Бундай сўзларга бошқа тилга мансуб сўзларни ўзлаштирувчи матнда қўлланган, аммо хорижий тил элементларини сақлаб қолган сўзлар киради [2, 158]. С.И. Влахов ва С.П. Флорин ўзлашма сўзларга қуйидагича таъриф берадилар: «Бизнинг атамашунослигимизда муаллиф томонидан матнга ўқимишлилик ёки олимлик, баъзида киноялилик ёки кулгили ҳолат руҳиятини бериш учун ишлатиладиган сўзлар ва жумлалар ўзга тилдан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобланади» [3, 263].

Варваризм атамаси ҳам шунга ўхшаш маъно касб этади. «Аслият тилдаги хусусиятларини тўлиқ сақлаб қолган сўзлар варваризмлар деб тушунилиши зарур» [12, 137]. А.И. Гальперин томонидан таклиф қилинган таъриф ҳам

бирмунча эътиборга лойиқ варваризмлар – «бу тилда зарурият бўлмасида ишлатилувчи сўзлардир, чунки бундай сўзлар ўзлаштирувчи матнда айнан мос келувчи муқобилларига (синонимлар) эга бўлади» [4, 72]. У варваризмлар ҳамда бадий асарларда қўлланган ўзлашма сўзларни фарқлаш зарурлигини таъкидлайди. Биз мазкур мақоламизда В.Ирвингнинг «Ал-хамро» романида учровчи арабчадан ўзлашма сўзларни асосий турларини тадқиқ этамиз. Кўп асрлар мобайнида араб тили француз тили билан узвий боғлиқликда қўлланиб келди. Араб тили қадимдан шарқ маданиятини дунё халқлари орасида тарғиб этиб келди. айниқса ўрта асрларда арабларнинг дунё халқларига таъсири сезиларли даражада эди. Араблар илм-фан, маданият, савдо-сотик ишлари билан Ўрта ва Яқин шарқ халқлари каби Ғарб халқларининг тилини ҳам янги атамалар билан бойитиб келган. Араб карвонлари турли туман моллар билан Франциянинг жанубий шаҳарларида савдо сотик ишларини олиб борганлар. Ярмаркаларга нафақат испанлар, балки грек ва сарацинлар ҳам келганлар. Ўша пайтларда араб карвонларини Франциянинг исталган территориясида учратиш мумкин эди ва айнан шу даврда арабча сўзлар Европа халқлари тилларига кириб келган. Арабча сўзларнинг ўзлаштирилиши айниқса савдо сотик ишлари олиб борилган ерларда, масалан Пиреней тоғлари орқали Францияга, Германияга, Озарбайжонга ўтган Ипак йўли орқали кенг тарқалган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XIX асрда Франциянинг мустамлакачилик сиёсати жуда кучайди. 1830 йилда Французлар томонидан Алжир бутунлай босиб олингандан сўнг араб дунёси билан алоқалар ҳамда арабча сўзларнинг ўзлаштирилиши янги босқичга кўтарилди.

Араб лексикасининг ўзлаштирилиш тарихига назар ташлар эканмиз, шуни дадил айтишимиз мумкинки, нафақат француз тили кўплаб арабий сўзларни ўзлаштириб олди, балки араб маданиятининг таъсирида рус маданияти, илм-фан, санъат, ва адабиёти ҳам шарқона мавзуларни ўзлаштириб олди, чунки Россия ҳамisha Шарқ билан ўзаро мутаҳкам алоқалар ўрнатган эди. Араб лексикасининг ўзлаштирилиши тўғрисида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай сўзлар араб тилига тўғридан-тўғри кириб келгани йўқ, балки воситачи тиллар орқали кириб келади. Шундай тиллардан бири бу француз тили эди.

А.Е. Крымский томонидан тузилган Муҳаммад пайғамбар тўғрисидаги славян-рус библиографиясига мувофиқ илк арабча сўзлар IX–X асрларда

ўзлаштирилган. VII ва IX асрларда араб тили Ўрта Осиёдан Шимолий Африкагача бўлган ерларда кенг тарқалди. Араб тилининг ислом динини қабул қилган Россия халқлари маданиятига таъсири натижасида диний арабча сўзлар ҳам сингиб кетишига имкон яратди (масалан: «мачит», «Қуръон»). 1868 йилларда Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар Россия давлати таркибига киритилган эди ва шу тариқа арабча сўзлар ўзбек тили орқали рус тилига кириб келдилар, ўз навбатида улар ўзбек тилига форс тилидан кириб келдилар.

Демак, рус тилида ҳам, француз тилида ҳам арабча сўзлар қатлами маълум бир маънода мавжуд. Модомики, араб лексикаси шарқона мавзуда қалам тебратган инглиззабон шоир ҳамда ёзувчилар асарларида учрар экан бундай сўзларни юқорида айтиб ўтилган тилларга кириб келиш тарихини тадқиқ этиш таржима назарияси ва амалиёти олдида турган долзарб масалалардан биридир.

“Ал-ҳамро” новеллалар ҳамда муаллифнинг саёҳат хотираларидан ташкил топган асардир. Асар илк бора 1832 йилда чоп этилган. Россия китобхонлари бу роман француз тилида Парижда икки жилдада нашр қилингандан кейингина танишишга муваффақ бўлганлар. XIX асрда В.Ирвинг асарлари рус ўқувчилари орасида кенг тарқалган эди. Бу асарларнинг бир неча таржималари «Московский телеграф», «Вестнике Европы» ва бошқа журналларда чоп этилар эди. Революциядан кейинги даврда “Ал-ҳамро” романидан айрим парчаларнинг А. Бобович ва М. Гершензонлар томонидан қилинган таржималари нашр этилган. Рус тилида таҳлил этилган тўлиқ таржимаси В. Муравьёв томонидан 1979 йилда, французчада таҳлил этилган тўлиқ таржимаси эса А. Собри томонидан 1832 йилда амалга оширилган. Биз В.Ирвингнинг мазкур асарида аниқлаган арабча сўзларнинг биринчи турини кўриб чиқамиз. Бундай сўзларни табақалаштиришда биз Д.С. Лотте томонидан таклиф этилган синфлаштириш услубини қўллаймиз. Д.С. Лотте таклиф этган изчил синфлаштиришга мувофиқ ўзлаштира сўзлар сўзма-сўз ва шаклан ўзгартирилган сўзларга бўлинади. Сўзма-сўз ўзлашмалар аслият тилида қандай шаклда бўлган бўлса ўзлаштирувчи тилга шу ҳолатда кўчиб ўтувчи сўзлардир [10, с. 10]. Романда куйидаги сўзма-сўз ўзлашмалар аниқланган: «alchemy» сўзи (арабчада الخمي [1]) 3 мартаба, «Allah» сўзи (арабчада الله [1]) 27 мартаба, «месса» сўзи (арабчада مكة [1]) 1 мартаба, «sultan» сўзи (арабчада سلطان [1]) 5 мартаба, «sultana» сўзи (арабчада سلطانة [1]) 8 мартаба, «talisman» сўзи (арабчада طسليم [1]) 23 мартаба, «zenith» сўзи (арабчада زينيت [1]) 1 мартаба қўлланган.

Мазкур сўзларнинг асарда берилишига мисолларни кўриб ўтамиз.

(1) *I have, moreover heard marvellous things related of it by pilgrims who had been to Mecca... [14, 130]*

А. Собри томонидан француз тилига қилинган таржимаси: *De plus, j'ai entendu conter de merveilleuses choses de ce même jardin par les pèlerins de la Mecque... [13, 240].*

В. Муравьёв томонидан рус тилига қилинган таржимаси: *Помню также, рассказывали о них чудеса паломники, воротясь из Мекки... [6, 58].*

Биринчи мисолда (1) биз араб тилидан ўзлаштирилган сўзни ҳеч бир ўзгаришсиз ҳолда кўрамыз.

(1) *The sight of this talisman called up all the favorite superstitions about the Moors [14, 261].*

А. Собрининг француз тилига қилган таржимаси: *La vue de ce talisman rappela toutes ces traditions merveilleuses les Maures dont le peuple espagnol fait ses délices [13, 297].*

В. Муравьёвнинг рус тилига қилган таржимаси: *Талисман навёл на излюбленные рассказы о маврах [6, 356].*

Иккинчи мисолдан (2) маълумки, арабча «طَلِسْمٌ» » [1] (talisman) сўзидан олинган «*talisman*» сўзи иккала тилда ҳам транслитерация (бир ҳарфдаги сўзларни бошқа бир ҳарфлар билан бериш) ёрдамида берилган. Мазкур сўз олдинги мисолдаги каби араб тилида қандай маънога эга бўлган бўлса ушбу тилда ҳам ўша маънода ишлатилган.

Таржималарнинг бирида ўзлашма сўз тушуриб қолдирилган гапни кўриб чиқамиз: *The Zacatin of Granada was ransacked for the most precious merchandise of the East; silks, jewels, precious gems, exquisite perfumes... [14, 129].*

А. Собри таржимаси: *On dépouilla le zacatin de Grenade de ses plus précieuses marchandises; les étoffes de soie, les diamans, les parfums exquis... [13, 236].*

В. Муравьёв таржимаси: *На гранадском базаре закупались самые изысканные товары Востока: шелка, драгоценности, камня, благовония, все азиатские и африканские богатства и диковины слагались к ногам принцессы [6, 58].*

В. Муравьёвнинг таржимасида «*Zacatin*» сўзи метонимик таржима – «*базар*» тарзида қўлланган. *Закатин* сўзи бозорга олиб боровчи марказий кўчани англатишини эслатиб ўтмоғимиз жоиз.

Навбатдаги тур – трансформация (бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш) қилинган ўзлашма сўзлардир. «Трансформацияланган ўзлашмалар бу –

ўзлаштирувчи тилда шу сўзга ўхшаш шаклда (кўшимчаларни тушириб қолдириш, қўшиш ёки ўзгартириш орқали ясалди) қўллаш» [10, 10]. Романда қуйидаги трансформация қилинган ўзлашма сўзлар аниқланди: «*admiral*» сўзи (арабчада اميرال [1]) 1 мартаба, «*algebra*» сўзи (арабчада الجبر علم [1]) 4 мартаба, «*apricot*» сўзи (арабчада البرقوق [1]) 1 мартаба, «*arsenal*» сўзи (арабчада ترسانة [1]) 2 мартаба, «*azur*» сўзи (арабчада أزرق [1]) 3 мартаба, «*chess*» сўзи (арабчада شاهمات [1]) 2 мартаба, «*decipher*» сўзи (арабчада الشفرة لحل [1]) 2 мартаба, «*caliph*» (арабчада خليفة [1]) 4 мартаба, «*chemistry*» сўзи (арабчада كيمياء [1]) 1 мартаба, «*crimson*» сўзи (арабчада قرمزي [1]) 3 мартаба, «*damask*» сўзи (арабчада دمشقي [1]) 2 мартаба, «*guitar*» сўзи (арабчада نار 36 мартаба, «*harem*» сўзи (арабчада

9 мартаба, «*jar*» сўзи (арабчада جرة [1]) 20 мартаба, «*lute*» сўзи (арабчада العود [1]) 20 мартаба, «*minaret*» сўзи (арабчада منارة [1]) 1 мартаба, «*mosque*» сўзи (арабчада مسجد [1]) 19 мартаба, «*mummy*» сўзи (арабчада مومياء [1]) 6 мартаба, «*orange*» сўзи (арабчада البرتقالي [1]) 12 мартаба, «*sugar*» сўзи (арабчада السكر [1]) 3 мартаба, «*vizier*» сўзи (арабчада الوزير [1]) 5 мартаба қўлланган.

Мазкур ўзлашмаларни қўлланганлигига мисолларни кўриб чиқамиз.

– ... *Yet in their rugged bosoms lie engulfed verdant and fertile valleys, where the desert and the garden strive for mastery, and the very rock is, as it were, compelled to yield the fig, the orange, and the citron, and to blossom with the myrtle and the rose* [14, 8].

Муравьёв томонидан қилинган рус тилига таржимаси: *Необозримые съерры, цепи гор, на которых нет ни деревца, ни кустика, испещрённые цветными мраморами и гранитами, возносят опалённые вершины к иссиня-чёрным небесам, однако в их каменном лоне укрыты зелёные и плодоносные долины, где сад одолевает пустыню и где самые скалы словно поневоле рождают инжир, апельсины и лимоны и облекаются миртом и розою* [6, 3].

Orange сўзи инглиз тилига француз тилидан кириб келган, ва ўз навбатида француз тилига арабча « البرتقالي » [1] (naranja) тилидан кириб келган. Рус тилига бу ўзлашма нидерландча *sinaasappe* сўзидан, немисча *apfelsine* сўзидан олинган.

“*Did ever nobler being tread the earth than that cavalier in crimson?*” cried *Zayda, the eldest of the sisters* [14, 183].

А. Собри томонидан француз тилига қилинган таржимаси: “*Avez-vous jamais contemplé une plus noble créature que le chevalier à l’écharpe rouge?*” disait *l’aînée des soeurs, la belle Zaïde* [13, 270].

В. Муравьёв томонидан рус тилига қилинган таржимаси: – *Кто на свете благороднее того рыцаря в багряном?* – молвила Заида, старшая из сес-тёр [6, 90].

«Crimson» сўзи инглиз тилига арабча «قرمزي» [1] (qermiz) сўзидан кириб келган бўлиб тўқ қизил, қип-қизил маъноларини англатади. Француз тилида араб тилидан кириб келган ўхшаш ўзлашма *cramoisi мавжуд бўлиб*, аммо бунинг ўрнига Собри шунчаки *қизил* – «rouge» сўзини ишлатган. Русча таржимада аслиятдаги маънога мос келувчи сўз қўлланган, аммо «багряный» сўзининг ўзи қадимславян *багръ* сўзидан олинган, яъни “қон каби қизил” маъносини англатади.

Д.С.Лотте тадқиқотида кўра навбатдаги тур оригинал бўлмаган ўзлашма сўзлардир, яъни бошқа тил элементларидан ташкил топган бўлиб муайян бир тилда алоҳида мустақил сўз ёки морфема сифатида мавжуд бўлмаган сўзлардир.

Романни таҳлил этиш жараёнида куйидаги оригинал бўлмаган ўзлашма сўзлар аниқланди: «alcázar» сўзи (арабчада القصر [1]) 5 маротаба, «alcove» сўзи (арабчада القبة [1]) 3 маротаба, «camel» сўзи (арабчада جمل [1]) 4 маротаба қўлланган.

Мазкур сўзларни романда қўлланганлигига мисоллар келтирамиз.

Nor is there a ruined alcazar in a city but has its golden tradition, handed down from generation to generation among the poor people of the neighborhood [14, 116].

А. Собри таржимаси: *Vous ne rencontrez pas non plus un seul alcazar dans les villes, qui n'ait également sa tradition dorée, perpétuée parmi les pauvres gens du voisinage, de génération en gé-nération* [13, 204].

В. Муравьёв таржимаси: ... *ни одна разру-шенная городская крепость – алькасар не об-делена золотым ореолом, и таковые предания из рода в род хранят окрестные бедняки* [6, 52].

Француз ҳамда рус тилларига «альказар» сўзи испанча «alcázar» сўзидан олинган, ва ўз навбатида испан тилига арабча «القصر» [1] (al-qasr) сўзидан кириб келган.

On each side of this hall are recesses or alcoves for ottomans and couches, on which the voluptuous lords of the Alhambra indulged in that dreamy repose so dear to the Orientalists [14, 35].

Француз тилига А. Собри таржимаси: *De chaque côté de la sale sont des alcoves destinées*

à contenir des ottomans ou des lits [13, 57]. Рус тилига В. Муравьёв таржимаси: *По обе стороны зала – ниши и альковы с дивана-ми и*

оттоманками, на которых изнеженные властители Альгамбры вкушали дремотную лень, столь любезную азиатам [6, 18].

Аслида француз тилидаги «*alcove*» сўзи арабча «*القبة*» [1] (*al-kubba*) сўзидан олинган. Аммо, инглиз ва рус тилларига ушбу сўз айнан француз тилидан кириб келган.

... *Beholds a long train of mules slowly moving along the waste like a train of camels the desert; or, a single horseman, armed with blun-derbuss and stiletto, and prowling over the plain...* [14, 3]

Француз тилига А. Собри таржимаси: ... *une file de mules traversant lentement le désert, comme les caravanes de chameaux traversent les sables de l'Arabie, un pâtre qui chemine seul armé du stylet et de la carabine...* [13, 7].

Рус тилига В. Муравьёв таржимаси: ... *длинную вереницу мулов, медлительную, как верблюжий караван в пустыне; или одинокого всадника с ружьём и кинжалом, степного бродягу...* [6, 74].

Мазкур мисолда биз француз тилига «*chameau*» сўзи араб тилидан кириб келганлигини «*جمل*» (*jamal*), яъни траскрипция ёрдамида берилганлигини кузатсак, русча «*верблюды*» сўзи (қадим рус – вельбудъ сўзи) араб тилидан эмас, балки гот тилига мансуб («*ulbandus*» (*слон*)) сўзидан олинганлигини кузатамиз.

В. Ирвингнинг «Ал-хамро» романида учровчи арабча сўзларнинг тахлили (267 та сўз) шуни кўрсатадики, ўзлашма сўзлар орасида иккинчи турга мансуб, яъни трансформацияланган сўзлар кўпчиликни ташкил этади. Фоиз кўринишида қаралганда қуйидагича кўриниш ҳосил бўлади:

- сўзма-сўз ўзлашмалар – 24%;
- трансформацияланган (шакли ўзгартирилган) ўзлашмалар – 59%;
- оригинал бўлмаган ўзлашмалар – 17%.

Француз тилига қилинган таржима вариантда ўзлашма сўзларнинг тушуриб қолдирилиш ва лўндалаштириш ҳолатлари аниқланди; матннинг арабча сўзлар қўлланган маълум бир қисмлари бирлаштирилган, айрим ҳолларда ўзлашма сўзлар тушуриб қолдирилган.

The evening being cold, the inhabitants were crowded round a brasero in a chimney corner; and the hostess was a dry old woman, who looked like a mummy [14, 294].

Рус тилига В. Муравьёв таржимаси: *Вечер выдался холодный, постояльцы теснились в углу, поближе к brasero, где хозяйничала иссохшая старуха, похожая на мумию* [6, 7].

Француз тилига А. Собри таржимаси мавжуд эмас. Муаллиф қаҳрамонлари билан бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб беради.

ХУЛОСА

Асарда у тилдан бу тилга кириб келган сўзларга эътибор қаратиб шуни айтиш мумкинки, яъни таҳлил этилган сўзлар француз ҳамда рус тилларига кўп ҳолларда араб тилидан трансформация қилинган сўзлар ёрдамида таржима қилинган.

Арабча ўзлашма сўзларни тадқиқи араб тилидан бошқа тилларга ўзлаштирилган сўзларнинг таржимасидаги муаммоларни ва ўзга тиллардан кириб келган сўзлар, бегона реалияларни очиб беришга имкон яратади.

REFERENCES

1. Борисов В.М. Русско-арабский словарь. – М.: САМ ИНТЕРНЕТШНЛ, 1993. – 1120 с.
2. Виноградов В.А. Диглоссия // Языкознание. Большой энциклопедический словарь. – М.: Сов. Энциклопедия, 2000. – 418 с.
3. Влахов С.И., Флорин С.П. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. – 343 с.
4. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М., 1958. – 459 с. [Электронный ресурс]. – URL: <http://library.durov.com/Galperin-031.zip> (дата обращения: 07.07.2012).
5. Грот Я.К. Спорные вопросы русского правописания от Петра Великого доныне. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1903. – 402 с.
6. Ирвинг В. Сказки Альгамбры / Пер. Муравьев В.С. – М.: Вече, 2009. – 432 с.
7. Крымский А.Е. История арабов и арабской литературы, светской и духовной. Ч. 2. – М.: ТВЛИ-ВЯ, 1912. – 431 с.
8. Крысин Л.П. Современный русский язык. Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография: учеб. пособие для студ. филол. фактов высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 240 с.
9. Лингвистический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева, – М.: Сов. энциклопедия, 1990. – 685 с.
10. Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. – М.: Наука, 1982. – 150 с.

-
11. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: Изд-во литературы на иностран-ных языках, 1956. – 260 с.
 12. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2007. – 304 с.
 13. Irving W. Les contes de l’Alhambra [Электрон манба]. – URL: http://books.google.fr/books?id=390UAAAAQAAJ&printsec=frontcover&hl=ru&source=gbs_ge_summary_r&cad=0#v=onepage&q&f=false (11.11.2010).
 14. Irving W. Tales or The Alhambra [Электронный ресурс]. – URL: http://books.google.ms/books?id=t05jR2QS3fcC&pg=PP9&hl=ru&source=gbs_selected_pages&cad=3#v=onepage&q&f=false (11.11.2010).